ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв. 160295
Кўп нусхада нашр этилган

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 16 февраль, пайшанба №21 (21.784.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ КОРЕЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари аэропортда журналистлар саволларига жавоб берар экан, Корея Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида алоқаларни ривожлантириш анъанавий тус олаётгани ва иқтисодий ҳамкорлик борасида Корея Республикаси биз учун энг мақбул мамлакатлардан бири эканини таъкидлаб ўтди.

Президент Ислом Каримовни Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАҚТЛИ МАТБУОТ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш ва вақтли матбуот ходимларининг моддий шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва маданият ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитасининг республика ижтимоий-сиёсий газета ва журналлари ижодий ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича тариф разрядларини (меҳнатга ҳақ тўлаш гуруҳини) нашрнинг ҳажми ва даврийлигига кўра 1995 йил 1 февралдан бошлаб ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун бюджетдан маблағ ажратишни назарда тутсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар ўзларига нашр этаётган газета ҳамда журналлар муҳаррирларининг маошларини таҳририятлар меҳнатга ҳақ тўлаш гуруҳидан келиб чиқиб, таъсисчилар маблағлари ҳисобига таъсисчилар бошқармалари ва бўлимлари бошлиқлари (мудирлари) меҳнатига ҳақ тўлаш даражасида белгиласинлар.

3. Барча бошқа вақтли нашрлар таъсисчиларига бош муҳаррирлар меҳнатига тўланадиган ҳақни тегишли таъсисчи бўлим мудири маошидан кам бўлмаган даражада белгилаш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ҳафта муддатда тегишли ўзгартиришларни амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тартибига киритсин.

5. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни газета ва журналларнинг бетўхтов чиқишини таъминлаш мақсадида қоғоз ва бошқа матбаа материалларини тузилган шартномаларга мувофиқ қатъий етказиб берилишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов ва Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 февраль

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА СЕМИНАР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида партиямиз Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари бош муҳосибларининг икки кунлик семинари бўлиб ўтди. У 1995 йил январдан бошлаб Ўзбекистонда жорий қилинаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг янги, ягона тизимига ўтиш масаласига бағишланди.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона тизими бўйича қонун ҳужжатларини ўргандилар, уларни бажаришга оид фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашдилар, ўзларини қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб олдилар.

Анжуман иштирокчилари ҳузурида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов сўзга чиқди.

Семинар ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1994 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ВА УЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 1994 йилда иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада қайта ўзгартиришлар чуқурлашди, бозор сари қаратилган йўл аниқ белгилаб олинди, бозор муносабатларининг конституцион-ҳуқуқий ва ташкилий асослари яратилди.

Кўп укладли иқтисодиёт шаклланмоқда, товарлар, меҳнат, сармоя ва қийматли қоғозлар бозори фаолият кўрсата бошлади. Республика барча корхоналарининг 67 фоизи, ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот ва халқ хўжалигида иш билан банд бўлган ходимларнинг салкам ярми нодавлат секторнинг улушига тўғри келади.

1994 йил 1 июлдан миллий валютанинг жорий этилиши республикани яқин йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегиясини белгилаб берди. Миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида махсус дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Давлатнинг молия-кредит билан қўллаб-қувватлаши натижасида ёқилғи-энергетика, енгил ва озиқ-овқат саноати барқарор ривожланди. Базавий тармоқларни ривожлантириш учун республиканинг ва чет эл инвестиция компаниялари ҳамда банклари валюта маблағларининг салмоқли қисми йўналтирилди.

Нархлар эркинлаштирилиши шароитида йил охирига келиб инфляциянинг ўртача ойлик даражаси икки баравар камайди. Республика йиғма бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3,3 фоизини ташкил этди. Нақд пул эмиссияси кескин қисқарди.

Иқтисодиёт тузилмасида ижобий ўзгаришлар юз берди. Пировард истеъмолга тайёр маҳсулот салмоғи 28,8 фоиздан 33,2 фоизга ўсди. Ўзимизда дон етиштириш ва нефть ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ҳисобига озиқ-овқат ва энергетика мустақиллиги сезиларли даражада ошди. Четдан келтирилаётган дон, гўшт ва сут 1991 йилдагига нисбатан сезиларли даражада қисқарди.

Ташқи иқтисодий алоқалар мустаҳкамланди. Ялпи ташқи савдо оборoти 1993 йилдагига нисбатан 5,5 фоизга ўсди. МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларда сифат жиҳатидан янги ривожланишга ва улар билан ўзаро савдода биринчи марта ижобий сальдога эришилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг принципиал жиҳатдан янги тизими шаклланмоқда, унинг аниқ мўлжалли йўналиши кучайди, болаларга ягона нафақа жорий этилди. Истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарларнинг энг муҳим турлари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди, уларнинг кафолатли заҳирасини яратиш тартиби амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга айрим соҳаларда ислоҳотлар жараёни миқдорий жиҳатлар билан чекланиб қолиб, расмиятчилик билан амалга оширилмоқда. Уюшмалар, корпорациялар ва ҳокимликларнинг айрим раҳбарлари давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари зарур даражада ривожлантирилиши ва чуқурлаштирилишини, тадбиркорлик фаол қўллаб-қувватланишини, хусусий сектор шаклланиши ва республика иқтисодиётини мустаҳкамлашда унинг аҳамиятини оширишни таъминламаяптилар. Улар вужудга келган таркибий номутаносибликни бартараф этишга, хўжалик юритиш механизмини ўзгартиришга, замонавий рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга етарлича эътибор бермаяптилар.

Бозор инфраструктураси, кўчмас мулк ва қийматли қоғозлар бозори зарур даражада ривожланмади, бу ҳол айниқса Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида кузатилди.

Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шакллари қарор топиши чинакамига таъминланмаяпти, бу соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусийлаштириш, бозор инфраструктурасини шакллантириш, қишлоқ аҳолисининг меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини иш билан таъминлайдиган кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорацияларнинг раҳбарлари 1994 йилда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг якунларини, йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини пухта таҳлил қилсинлар ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирларни белгиласинлар ва амалга оширсинлар.

2. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, 1996 йилда республиканинг текис суръатда ривожланиши учун мустаҳкам асослар яратиш 1995 йилнинг бош вазифалари деб ҳисоблансин.

1995 йилда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устиворликлари ва асосий йўналишлари тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бўлимлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юқорида қайд этилган тадбирларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда шу йилнинг 15 мартига қадар:

Фонд биржаларининг минтақаларо бўлимларини очиш ва уларни зарур инфраструктура билан таъминлаш;

давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналарни, хусусий тадбиркорлик фаолиятини халқаро молия ташкилотларининг валюта маблағларини жалб этиш ҳисобига қўллаб-қувватлаш ва инвестиция фондлари ташкил этилишини рағбатлантириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йиғма бюджет тақчиллигини ички (банклардан ташқари) маблағ билан таминлаш миқдори кўпайтирилишини қийматли қоғозлар бозорини кенгайтириш ҳисобидан таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

кредит кимошди савдолари орқали сотишга чиқариладиган кредит ресурсларининг ҳажмини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, уни 1995 йилнинг I чораги охиригача 25 фоизгача, 1995 йилнинг II чораги охиригача 50 фоизгача етказиш;

1995 йилнинг I чорагидан бошлаб инфляциянинг шаклланаётган даражасини ҳисобга олган ҳолда маблағ билан қайта таъминлаш ставкасига ҳар ойда тузатиш киритиш тавсия қилинсин.

6. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

шу йилнинг 20 февралигача 1995 йил учун республика инвестиция дастури лойиҳасини;

шу йилнинг биринчи чорагида хорижий сармоя иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш дастури лойиҳасини тейёрласинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси, концернлар, корпорациялар ва уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шу йилнинг биринчи чораги мобайнида минтақаларда ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларни сотадиган майда улгуржи дўконлар тармоғи ташкил этилишини таъминласинлар.

8. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар ва концернлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда 1995 йилда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш ҳажмлари ўсишини рағбатлантиришга оид таклифларни киритсинлар.

9. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси шу йилнинг 1 мартигача, деҳқон(фермер) хўжаликларини ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг янги ташкилий шаклларини шакллантиришга ҳамда қишлоқда бозор инфраструктураси ва сервис хизмати кўрсатишни ҳар томонлама кенгайтиришга алоҳида эътиборни қаратган ҳолда, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида амалдаги қонуний ва норматив ҳужжатлар мунтазам назорат қилинишини таъминласин ва уларга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни ўз вақтида киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКДА ТАШАББУС КЎРСАТИШ ВА УНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида» 1995 йил 5 январдаги ПФ-1030-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг қоидаларини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республиканинг тижорат банкларига хусусий тадбиркорлик тузилмаларига уларнинг аризалари ва рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари асосида уч кун муддатда ҳисоб-китоб счётларини очиш тавсия этилсин.

4. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар ва корпорациялар билан биргаликда товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга уларнинг буюртманомаларига биноан республика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган хом ашё ва материалларни, одатда доимий фаолият кўрсатувчи ярмарка, республика товар хом ашё биржаси ҳамда «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмасининг бошқа улгуржи воситачилик тузилмалари орқали шартномавий асосда сотилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикасининг вакил қилинган банкларига контрактлар, товарлар, хизматлар учун тўловларга норезидентлардан нақд муомаладаги валютани қабул қилишларига рухсат этилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарманинг ҳудудий бўлимларини шакллантиришда, ижарага бериш ёки сотиш йўли билан зарур хоналар ажратилишига ҳамда уларнинг унумли ишлаши учун тегишли шарт-шароитлар яратишда ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Тўлаганов) республика кўчмас мулк ва фонд биржаларини жойлаштириш учун «Правда Востока» кўчаси 10-уйда жойлашган собиқ Свердлов номидаги концерт зали биносини ажратсин.

Давлат мулки қўмитаси (Ғофуров), «Ўзсувқурилиш» давлат концерни (Ракитин) кўрсатиб ўтилган бинони реконструкция қилишни ниҳоясига етказсинлар.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги 85-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарларига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 февраль.

ҒАЛАБА БАЙРАМИ ТАРАДДУДИ

15 февраль куни Тошкентда 1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда мамлакатимизда Ғалаба байрамига тайёргарликнинг бориши юзасидан республика Фахрийлар ташкилотлари иттифоқи кенгашининг раиси Бектош Раҳимов, мудофаа вазири, генерал-лейтенант Рустам Аҳмедов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов, маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоевнинг ахборотлари тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ўтган йилнинг 22 июлида қабул қилган шу ҳақдаги қарор асосида ватанимиз пойтахтида, бутун республикада умумхалқ байрамига қизғин тайёргарлик кетаётгани, бу борада муайян натижаларга эришилгани мажлисда таъкидлаб ўтилди.

Республика Фахрийлар кенгаши қошида Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилганларга ёрдам берувчи махсус ҳисоб очилгани ва жорий йилнинг 10 февралигача мазкур ҳисобга ташкилотлардан 570 минг сўм маблағ ўтказилгани қайд қилинди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала ҳам кўрилди. Бу хусусда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, айрим вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари ахборот бердилар.

Уруш ногиронларини протез анжомлар ҳамда аравачалар билан таъминлаш, уруш фахрийларининг тарнспорт, коммунал харажатлари бўйича имтиёзларни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда республика ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурзоқовнинг ахбороти тингланди.

Улуғ айёмга тайёргарлик кўриш борасида қўлга киритилган муваффақиятлар билан бир қаторда айрим вазирлик ва идоралар, ташкилотлар фаолиятида бу соҳада камчиликлар борлиги, уларни қисқа вақт ичида бартараф этиш кераклиги айтиб ўтилди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳамма ерида Ғалаба байрамига пухта ҳозирлик кўриш ва уни кўтаринки руҳда ўтказиш, бунинг учун мавжуд имкониятларни сафарбар этиш лозимлигига этибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосарлари Мурод Шарифхўжаев, Рустам Юнусов, Саидмухтор Саидқосимов, Мираброр Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов қатнашди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Хусусий тадбиркорлик — бу фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Фаолиятни ёлланма меҳнатни жалб қилган ҳолда амалга ошираётган хусусий тадбиркор юридик шахс сифатида иш кўради ва корхонани рўйхатдан ўтказишга мажбурдир.

Ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган хусусий тадбиркор (якка тартибдаги тадбиркорлик) ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил қилмай амалга оширишга ҳақлидир.

2. Хусусий тадбиркорнинг мулки давлат, кооператив ёки бошқа корхонанинг барча мулки ёки унинг бир қисми фуқаро мулкига ўтиши ёки у томонидан харид қилиниши, ижарадаги мулк сотиб олиниши ёки у қонунда назарда тутилган бошқача усулларда қўлга киритилиши асосида юзага келади.

3. Тадбиркор фуқароларнинг хусусий мулкига асосланган корхона Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур низомга мувофиқ фаолият кўрсатувчи хусусий корхона ҳисобланади.

4. Қорақалпоғистон Республикасида хусусий тадбиркорликнинг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва тугатилишининг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ижтимоий асослари шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

II. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5. Хусусий корхоналар юридик шахс ҳисобланадилар, мустақил балансга, муҳрга, ҳисоб-китоб счётига эга бўладилар.

6. Хусусий корхона ўзи жойлашган жойдаги туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимликларида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини олади.

Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмай амалга ошириш ҳоҳишини билдирган тадбиркор ўз турар жойидаги туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимликларига ариза берадилар, у «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундириладиган йиғим ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ кўриб чиқилади.

7. Хусусий корхоналар ўз филиаллари, шўъба корхоналари ва ваколатхоналарини ташкил этишлари мумкин.

8. Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимликларида давлат рўйхатидан ўтиш учун тадбиркорнинг аризаси, корхона устави, шунингдек, бир ойлик энг кам иш ҳақи миқдорида бадал тўланганлиги тўғрисидаги квитанция тақдим этилади.

9. Хусусий корхонани рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишнинг асосланган ҳолда рад этилиши ариза берилган кундан бошлаб уч кун мобайнида амалга оширилади. Агар давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки тадбиркор асоссиз деб ҳисобловчи сабабларга кўра рўйхатга олиш рад этилган бўлса, у судга мурожаат қилиши мумкин.

10. Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмай амалга ошириш ҳоҳишини билдирган хусусий тадбиркорга тикилган ҳамда муҳр билан тасдиқланган даромадлар ва харажатлар дафтари, рўйхатга олинганлик тўғрисида гувоҳнома, уни хусусий тадбиркорлар реестрига албатта киритиб берилади. Бу ҳужжатлар ҳеч қандай қўшимча келишувларсиз банкда ҳисоб-китоб счётини очиш ва зарур реквизитларни тайёрлатиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

III. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИНГ МУЛКИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ

11. Хусусий корхона мулкини асосий ва айланма маблағлар, шунингдек, қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар ташкил қилади.

12. Хусусий корхона эгаси ўз мулкига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмайдиган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишга ҳақлидир.

13. Хусусий корхона мажбуриятлар бўйича шахсий мулк ҳуқуқида корхона эгасига тегишли

(Давоми 2-бетда)

МАЪНАВИЯТ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

Бугунги кунда иқтисодий ислоҳотлар билан бир қаторда маънавий етуклик, маънавиятнинг ҳар бир қиррасини ривож топтириш бош вазифа, деб қаралмоғи даркор. Қолаверса, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази иш кўламини ошириш, олимларимизнинг бу борадаги ғояларини шакллантира бориб, амалиётга тадбиқ этиш давр тақозосидир. Шу мавзуга бағишланган давра суҳбати иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини ҳавола қилаяпмиз.

Эркин ЮСУПОВ, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари, академик: — Қадим замонда Хитой файласуфларидан бири ўз императорига шундай деган экан: «Ҳукмдорим, агар бирор мамлакатни босиб олмоқчи ва у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз биринчи навбатда ўша мамлакат халқини маънавиятидан маҳрум этинг, маданиятини барбод қилинг. Маънавиятдан маҳрум бўлган халқда аҳиллик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, умумий манфаатларни англашда муштараклик бўлмайди. Ватан ва халқ олдидаги бурч, масъулият туйғуси ҳам заифлашади. Ана шундай вазият юзага келса, у мамлакатни босиб олиш ва у ерда узоқ ҳукмронлик қилиш мумкин бўлади».

Юқоридаги фикрларнинг айтилганига уч минг 400 йилдан ортди. Миллат онги заиф бўлган халкларда бирлик, ҳамжиҳатлик, умумий манфаатлар йўлида қўлни-қўлга бериб курашиш, ўз қадр-қимматини янгилаш, истиқболни аниқ тасаввур қилиш, бу йўлда юксак фидойилик намуналарини кўрсатиш ҳам сустлашади. Тарихий тараққиётнинг бу қонунини эътиборга олган мустамлакачилар ҳамма вақт тобе халқлар ва мамлакатларни маънавий қолоқлик ҳолида сақлаб туришга, миллий онг шаклланишига йўл бермасликка ҳаракат қилиб келганлар. Чоризм мустамлакачилиги ва совет тоталитар тузуми даврида олиб борилган миллий сиёсатнинг заминида ҳам шу мақсадлар ётган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳозирги кундаги энг муҳим масалалардан бири ҳам маънавий ҳаёт борасида чўқурлашган инқирозга хотима бериш, миллий онгни юксалтириш орқали меросимизни, тарихий қадриятларни тиклаш, кишиларга куч ва қувват берадиган маънавиятни қарор топтиришдир.

Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: «Маънавият инсоннинг, халқнинг, давлатнинг, жамиятнинг кучи ва қудратидир». Ўз манфаатларини, истиқлолини етук маънавият заминида чуқур тасаввур қила оладиган миллатгина буюк тарихий ўзгаришларни амалга оширишга қодир бўлади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодини қайтадан қуриш, мулкчилик ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги истиқболли йўлларини тиклаш, ижтимоий муносабатларни адолат ва инсонпарварлик мезони асосида юксалтириш, халқаро алоқаларни кенгайтириш миллий тикланиш йўлида қўйилаётган тарихий қадамдир.

Республикамиз иқтисодиётига назар ташласак, тараққиёт учун катта имкониятлар борлигини кўрамиз. Бироқ, моддий бойликларининг кўплиги ва беҳисоблиги мамлакат буюк давлатлар қаторидан ўрин олишининг ягона шарти эмас. Давлатнинг буюклигини белгилайдиган асосий омиллардан бири халқнинг маънавий камолот даражасидир.

Маънавий инқироз жамият учун иқтисодий ва сиёсий инқирозлардан кўпроқ хатарлидир. Иқтисодий ва сиёсий инқирозларнинг олдини олиш мумкин. Лекин маънавий қашшоқлик ҳолатига тушган халқнинг онгини юксалтириш, миллий бурч ва масъулият туйғусини кучайтириш жуда кўп меҳнат, вақт талаб қилади. Жамиятнинг маънавий тараққиёт даражасига баҳо беришда воқеликни хаспўшлаш, кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда кечирилмас ҳолдир. Ўзбекларнинг «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади», деган нақлида қанчалик чуқур маъно борлигини яқ-қол кўриш мумкин.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш даврида маънавий омилларнинг аҳамияти катта. Бозор олди-сотди бўладиган жойгина эмас, балки миллатнинг маънавий камолоти даражасини кўрсатувчи соҳа ҳамдир. Агар бозор муносабатларида иймон, виждон, инсоф, ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар қилиш, бировнинг ҳақини ейишдан қўрқиш сингари маънавий фазилатлар бўлмаса, бозор муносабатлари катта ижтимоий фалокатларга, адолатсизликларга олиб келиши мумкин. Истеъдодли ёшлар илм даргоҳларини, жамият тараққиётига омил бўла оладиган кўплаб соҳаларни ташлаб, тижоратга ўтиб кетаверсалар, бу ҳам миллий бурч ва масъулият туйғуси заифлигининг ифодасидир.

Етук ахлоқ ва одоб соҳиби бўлган, буюк ва масъулият туйғусини англаб етган ёшлардагина илм олишга эътиқод бўлади. Буюк мутафаккир аллома Абдулла Авлоний: «Тарбия биз учун е ҳаёт, е момот, е нажот, е фалокат, е саодат, е ҳалокат масаласидур», деб бекорга айтмаган эди.

Марказимизнинг ташкил бўлганига саккиз ой бўлди. Бу давр ичида ташкилий масалалардан ташқари маънавиятни юксалтириш, маърифий ишларни оқилона йўлга қўйишнинг илмий ва амалий муаммоларини ўрганиш борасида қатор ишлар қилинди. Ўтказилаётган анжуманлар, давра суҳбатларида марказ фаолиятига катта эътибор берилаётир. Республикамизда 2000 йилгача нишонланиши лозим бўлган тарихий саналар режаси ҳам ишлаб чиқилди. Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари, Нажмиддин Кубронинг айрим қўлёзмалари нашрга тайёрланиши ҳам бу борадаги илк қадамларимиздан биридир.



Бекдавлат АЛИЕВ, фалсафа фанлари доктори, профессор: — Маънавият ва маърифатни ўстириш, муҳтарам олимимиз айтганидек, ўта муҳим вазифадир. Шу жиҳатдан олганда олдимиздаги барча муаммолар алоҳида миллий ҳусусиятга эга эканлиги умумжаҳон цивилизацияси билан умуминсоний қадриятлар бир-бирига чамбарчас боғланиб кетганлигини ҳисобга олиш керак.

Етмиш йилдан ортиқроқ вақт давомида республикамиз мустамлака азоб-уқубатларини ўз бошидан кечирди. Мулкнинг икки тури — давлат мулки, колхоз-кооператив мулки ҳукмрон бўлди. Шукурлар бўлсинки, ҳозирги пайтда мустақиллик туфайли мулкнинг бир қатор янги шакллари пайдо бўлди. Булар шахсий мулк, хусусий мулк, аралаш ва вақф мулкларидир. Бу эса маънавият ва қадриятларимизни тиклашда бош омил бўлаяпти.

Менимча, экологик тарбияга ҳам жиддий эътибор беришимиз лозим. Негаки, бу маънавиятнинг бир қирраси бўлган маданиятга, қолаверса, атроф-муҳит мусаффолигига, соғлом танда соғлом фикр уйғотишга имконият яратади.

Шерқул ШОДМОНОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор: — Бугунги кунда, ҳаммага маълумки, сиёсат, маънавият ёки бошқа иш билан шуғулланишдан олдин кишилар моддий неъматларни истеъмол қилиш, кийиниш учун шарт-шароит ҳақида ўйлайди. Демак, иқтисодий тақчиллик даврида ҳам, умуман ҳар бир даврда олдин иқтисод, деб қараб келингани шундан. Инсоннинг зарур ҳаётий эҳтиёжлари қондирилган тақдирдагина у камол топади, юқори маънавиятга эришади.

«Биз иқтисодни ҳар хил сиёсий мафкурадан устун қўйиб, шу соҳада бўлган муаммоларни ҳал қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаяпмиз. Бутун жамиятимизни янгилаш асосини, яхшилаш асосини ва инсон учун муносиб шарт-шароитлар яратаяпмиз» деган эди мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов.

Бу ҳаётий воситалар осмондан тушмайди ёки ўзидан-ўзи бино бўлмайди. У фақат ижодий меҳнат жараёнида, ишлаб чиқариш орқали инсон томонидан яратилади. Демак, ҳамма моддий ва маънавий бойликлар табиатимиздаги ва ўз еримиздаги ашё ва манбалардан фойдаланган ҳолда кишиларимиз меҳнатига ҳам боғлиқ. Шу сабаб кишилар маънавиятли бўлиши учун ўзлари истеъмол қилаётган моддий ва маънавий неъматларнинг ким томонидан, кимнинг меҳнати билан вужудга келаётганлигини, ўзи ҳам кўп қатори меҳнат қилиши зарурлигини билишлари, моддий ва маънавий яратувчилик инсон ҳаётининг асосини ташкил этишини тушунмоғи лозим.

Бу нарсани тўғри тушуниш айниқса, ҳозирги бозор муносабатлари шаклланаётган даврда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш даври таъсирида айрим кишиларимиз, айниқса баъзи ёшларимиз иқтисодни олиб-сотарликдан иборат, даромад бозорда ҳосил бўлади, деган алдамчи тасаввурга келиб, бойлик кўпайишининг асл манбаи ижодий меҳнат эканлигини, олиб-сотарликда, савдода ҳеч нарса кўпаймаслигини унутмоқдалар. Бу йўлдан кишиларни гап-сўз билан, тушунтириш билан қайтариб бўлмайди.

Бунинг олдини олиш учун биринчи навбатда ишлаб чиқаришни, ҳалол меҳнатни иқтисодий жиҳатдан тўғри баҳолаб, унга солинадиган солиқларни кўриб чиқиш ва меҳнатни рағбатлантириш зарурдир. Маънавиятни юксалтиришнинг иқтисодий чора-тадбирларидан бири маданият, илм-фан билан шуғулланаётган кишиларнинг ҳаётдаги роли ва ўрнини иқтисодий жиҳатдан тўғри аниқлаб, уларга паст назар билан қарашнинг олдини олишдадир.

Шунинг учун илм-фан, маданият, маърифат соҳаларини, уларда меҳнат қилаётган кишилар давлат ғамхўрлигида бўлмоғи, уларнинг меҳнатига тўғри баҳо берилмоғи, ҳаётий воситаларга етадиган миқдорда даромад билан таъминланмоғи лозим.

Фақат шу йўл билан ҳозирги пайтда мактаблардан, илм даргоҳларидан, маданият, маърифат ўчоқларидан ҳодимларнинг кетиб қолишининг ҳамда маънавият инқирозининг олдини олиш уни яна юқори чўққиларга кўтариш мумкин, деб ҳисоблайман. Илм-фан ривожланган мамлакатларда иқтисод гуркираб тез ўсади. Илм-фанга етарлича эътибор берилаётган Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатларнинг тез ривожланиши фикримизнинг далилидир.

Ойниса МУСУРМОНОВА, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг «Одобнома» кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори: — Мустақил Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти ёшларимиз қўлида. Ҳар томонлама етук ёшларни шакллантиришда умуминсоний ва миллий қадриятларимиз, инсоният томонидан яратилган бой маънавий мерос муҳим восита ҳисобланади. Маънавий баркамол ҳар бир шахснинг ақлий, ахлоқий, бадиий-эстетик, экологик, диний, иқтисодий ва бошқа маданият қирралари асосан мактаб ёшида самарали шаклланади.

Лекин шуни айтиш керакки, бугунги кундаги мактаб ўқувчиси маънавий маданиятлилик даражасининг жамият талабларига етарлича жавоб бера олмаслиги, ўқувчи ёшларда маънавий маданиятлиликнинг муҳим мезонларидан ҳисобланмиш китобхонлик ва саводхонликнинг қониқарли эмаслиги сир эмас. Аммо бу борада айбдорни ахтариш, жазолаш бу ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли эмас. Маънавий соғлом ёшларни тарбиялаб етиштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш, уни амалга оширишнинг самарали йўллари, мазмуни, шакл ва усулларини белгилаш педагогика фани олдида турган долзарб муаммодир. Бизнингча, янги ўқув режа, дастур, дарслик, методик қўлланмаларни тарихийлик, илмийлик, миллийлик тамойиллари асосида яратишга эътиборни қаратмоқ жоиздир. Яъни, умумий таълим мактабларида ўқитиладиган барча фанларнинг мазмунига уларнинг характери, мавзулар ранг-баранглигига қараб умуминсоний ва миллий қадриятларни энг илғор ахлоқий маънавий ғояларни сингдириш, ўқувчи-ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳиссини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Умумтаълим мактаби ўқувчисининг маънавий маданиятлилик даражасига салбий таъсир этадиган яна бир масала, у ҳам бўлса ўқув фанларининг ниҳоятда кўпайиб кетганлигидир. Бу албатта ўқувчининг барча фанлар бўйича билимга эга бўлиши, дунёқарашининг кенгайиши учун замин ҳисобланади. Лекин ўқув фанларини сон жиҳатдан кўпайтириш ҳисобига эмас, балки уларнинг маънавий талаб, эҳтиёжлари, шахсий ва жисмоний хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув фанларини жорий этиш лозим. Бу билан маънавий баркамол ўқувчи-ёшларни тарбиялаб етиштиришга замин яратилади. Шу боисдан умумий таълим мактабларида бугунги кун учун долзарб бўлган одобнома, маданиятшунослик асослари каби дарсларни ўқув режасига киритиш ҳам зарурдир.

Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд этишга йўналтириш самарали натижалар беради. Яъни, ўқувчи дарсдан ташқари бўш вақтида маданий муассасалар — кино, театр, музей, маданият уйларида ташкил этиладиган «Маънавий мерос», «Маънавият ва маърифат» каби факультатив машғулотлар, тўгараклар, марказларда маънавий меросимизни ўрганиш билан банд бўлмоғи лозим.

Зиёдулла ДАВРОНОВ, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлим мудири, фалсафа фанлари номзоди: — Республика «Маънавият ва маърифат»жамоатчилик маркази ақлий салоҳият соҳибларига таяниб ишлайдиган ижтимоий ташкилотдир. Халқимизнинг бой маънавий-маданий меросини ўрганиш, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни излаш, мамлакат ривожининг умумий қонуниятларини топиб, уларни ҳаётга тадбиқ этиш ҳам бугунги кунда долзарбдир. Шунингдек, марказ ўз фаолиятида асосий эътиборни ватанпарварликка, ахлоқ, илм-фанга оид масалалар ва бу борада тавсиялар ишлаб чиқишга қаратган.

Шу маънода марказни мамлакатимиздаги соғлом кучларни, илғор истеъдод ва юксак тафаккур соҳибларини бирлаштира оладиган маскан, десак бўлади.

Фарзандларимиз маънавий камолотини шакллантириш, оила—мактаб—маҳалла—фермасида олиб борилиши керак, деб ўйлайман. Оилада ота-она, мактабда ўқитувчи ва маҳаллада кенг жамоатчилик ўта масъулият билан иш олиб борсагина мақсад, маслак бирлиги тез орада ўз натижасини беражак.

Кейинги пайтларда кўпгина байрамларда, турли тантаналарда ош бериш одат тусига кириб қолди. Назаримда, мактаб, тарбия муассасаларига маблағлар кам ажратилаётгандай.

Ёшларимизнинг касбни тўғри танлаши ҳам тараққиётимизга хизмат қилади. Чунки ҳар бир кишининг қўним билан ишлаши, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши иқтисодиётимизни ривожлантиришга омил бўлади.

Низомиддин МАҲМУДОВ, филология фанлари доктори, профессор: — Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, унинг аъзолари унинг камолоти учун тинимсиз меҳнат қиладилар. Барча моддий ва маънавий неъматлардан, ҳамманинг меҳнатига яраша баҳраманд бўлиши таъминланган жамиятга етишга интиладилар. Таассуфки, бу осон иш эмас. Энг аввало комил, маънавиятли кишиларни тарбиялаб етиштирмоқ лозим.

Президентимиз И. Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини кўрсатиб берар экан, бу йўлда маънавий-ахлоқий масалалар фавқулодда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди: «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир».

Тил ва адабиёт инсон маънавиятини шакллантирувчи беқиёс омилдир. Узоқ вақтлар она тили ва миллий адабиётга паст назар билан қараб келинди. Шукрлар бўлсинки, тарихий адолат тикланди.

Илгари ижтимоий, деб умумлаштирилган фанлар сиёсат қўлида ўйинчоққа айланган эди. Буларнинг барини бугун ана шунга кўра инкор этиш ёки уларга паст назар билан қараш нотўғридир. Сир эмас, бугун бу фанларга қандайдир бошқача қараш мавжуд. Аммо теран ва мулоҳазакор шарқ фалсафасини, бетакрор шарқ ахлоқини, инсон ички дунёсини поклантирувчи шамчироғи бўлмиш шарқ ғўзаллик ақидаларини билмасдан маънавиятнинг мукаммал поғоналарига қадам қўймоқ мумкинми?!

Менимча, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз Ватани, юрти, оиласи билан фахрлана олиши лозим. Бой маънавиятимиздан баҳраманд бўлган кишида барча фазилатлар мужассам бўлади.

Исмоил САИФНАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор: — Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда кишиларнинг маънавий бойлигини шакллантириш жуда муҳимдир. Конституциямизда кўрсатилганидек, биз инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо қилишни кўзлар эканмиз, бундай жамиятнинг кишилари қандай сифатларга эга бўлиши ва уларни қайси йўл билан шакллантириш керак, деган вазифа туради.

Шундай экан, бугунги кунда биз уларни тарбиялашда, Президентимиз айтганларидек, халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тили, дили, руҳиятига асосланиб меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини ўзларида мужассам этиш даражада бўлишларига бор куч-ғайратимизни сарфламоғимиз лозим. Шу ўринда Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси қоидаларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳам биргаликда иш олиб бориш керак бўлади. Шунда жисмонан соғлом, маънавий бой, ўз эл-юрти келажаги учун жон куйдирадиган авлодни шакллантиришдаги вазифаларни фақат мактаб ва бошқа ўқув даргоҳларига ташлаб қўймаган бўламиз. Юқорида фикр юритилганидек, оила — маҳалла—жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ҳамжиҳатлиги сезилади. Албатта, булар давлат томонидан мувофиқлаштирилиб турилиши мақсадга мувофиқ.

Ислом КАРИМОВ:

Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак.

Зиёлиларимизнинг фикр-мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, ҳали маънавият ва маърифат соҳасида олиб бориладиган ишлар талайгина. Республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг босқичма-босқич тараққиёти пировардида маънавиятга жиддий эътибор қаратилмоғи лозим. Таълим-тарбия ўчоқларида ўқитиш ва тарбиянинг мазмунан бой шаклларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Албатта, юқоридаги эзгу-мақсадларга эришишда мамлакатимиздаги аҳиллик, барқарорлик муҳим ўрин тутади. Ўйлаймизки, юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг халқимиз маънавияти ва маърифатини янада ривожлантириш йўлида саъй-ҳаракати ўрта ва қуйи бўғинлардаги мутасадди раҳбарларни бефарқ қолдирмайди, уларни амалий фаолиятга ундайди. Зеро, сўз иш билан уйғунлашсагина гўзалдир.

Давра суҳбатини «Ўзбекистон овози» мухбири Эркин ЭСИРГАДИЕВ ёзиб олди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўлган ўз мулки билан жавоб беради.

14. Хусусий корхона эгаси ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик мустақилликка эга бўлади. Корхона эгаси хусусий корхонани бошқаришни ташкил этади.

15. Хусусий корхона ўз маҳсулоти (ишлар, хизматлар)ни, ишлаб чиқариш чиқитларини мустақил ёки шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича сотади.

16. Маҳсулотни сотишдан тушган пулдан барча ишлаб чиқариш ва бошқа мажбурий тўловлар (меҳнатга ҳақ тўлаш, ижара ҳақи, қарзларни тўлаш, ссудалар бўйича фоизлар ва бошқалар ҳам шунга киради)ни қоплаш суммаси чегирилгандан сўнг қолган даромад мулкдорнинг тадбиркорлик даромади ҳисобланади, уни мулкдор ўз ихтиёрига кўра тасарруф этади.

17. Фаолиятни хусусий мулк асосида амалга ошираётган хусусий тадбиркорларнинг даромадларига мулк эгасининг шахсий даромади сифатида қаралади ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солинади.

18. Хусусий тадбиркор пул маблағларини сақлаш ва барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ҳамда касса операцияларини амалга ошириш учун исталган банкда ҳисобкитоб ва бошқа счётларни очишга ҳақлидир.

19. Хусусий корхона томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар, уларда фирма белгиси ёки ишлаб чиқарувчининг фамилияси, буюмнинг номи ёки рамзи, буюмни ифодаловчи бошқа маълумотлар кўрсатилиб, албатта маркировка қилиниши керак.

20. Хусусий корхона белгиланган шакллар бўйича статистика ва бухгалтерия ҳисобини юритади. Хусусий корхона эгаси ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

21. Хусусий корхонанинг молиявий ва хўжалик фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари билан зиммасига текшириш функцияларини бажариш юкланган солиқ органлари, шунингдек, аудиторлик фирмалари томонидан амалга оширилади.

Хусусий корхонанинг молия-хўжалик фаолияти текширилганда текширувчи органлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ корхонанинг тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотларнинг сақланишига риоя этилишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлайдилар.

IV. ХУСУСИЙ КОРХОНАДА ИШЧИ КУЧИНИ ЁЛЛАШ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

22. Хусусий корхоналар ходимларни томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилиб ёзма шаклда тузилган меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ёллайдилар.

23. Меҳнат шартномаси (контракти) қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

маълум ихтисослик, малака ёки лавозим бўйича ишни бажариш мажбурияти;

контракт тузилган муддат;

меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш, ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот тартиби;

ходимнинг ижтимоий ҳимояланганлиги;

меҳнат шартномасини бузганлик учун жавобгарлик;

томонларнинг келишувига кўра бошқа маълумотлар.

24. Хусусий корхона Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилишга, корхонадаги ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилашга, меҳнат хавфсизлиги, санитария ва гигиенаси талабларига риоя қилинишини таъминлашга мажбурдир.

25. Хусусий корхонада ишлаётган ходимларга белгиланган тартибда меҳнат дафтарчаси берилади.

26. Ёлланиб ишлаётган шахслар меҳнатига шартнома ёки контрактда кўрсатиб ўтилган ҳақ тўлаш давлат томонидан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

27. Хусусий тадбиркор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот жамғармаларига мажбурий ажратмалар ажратади.

28. Хусусий корхоналарда меҳнатга оид низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал қилинади.

V. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ТУГАТИШ

29. Хусусий корхонани тугатиш мулк эгасининг қарори бўйича ёки суд томонидан таъсисчиларнинг корхонани ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлари қонуний кучга эга эмас деб топилган, банкрот бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид фаолият амалга оширилган ҳолларда суд (хўжалик суди) қарори билан амалга оширилади.

30. Шахсий корхона давлат рўйхатига олиш реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

31. Маблағларнинг бюджет ва ташкилотлар, тугатилган шахсий корхона ходимларидан қарзлар белгиланган тартибда тўлангандан сўнг қолган қисми корхона эгасига тегишли бўлади.

VI. ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА БЕРИЛАДИГАН ДАВЛАТ КАФОЛАТЛАРИ

32. Давлат хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини кафолатлайди, эркин ҳалол рақобат учун шароит яратади, моддий-ашёвий, молиявий, меҳнат, ахборот ва бошқа ресурсларни олишда, бу ресурслар бозорининг монополия қилинишига йўл қўймай, тенг имкониятларни таъминлайди.

33. Агар давлат ёки бошқа орган томонидан унинг ваколатига ёки қонунчилик талабларига мувофиқ келмайдиган ҳужжат чиқарилиши натижасида хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқи бузилса, у бундай ҳужжатни қонуний кучга эга эмас деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

34. Давлат ёки бошқа органларнинг ёхуд уларнинг мансабдор шахсларининг хусусий тадбиркор ҳуқуқини бузувчи кўрсатмаларининг бажарилиши натижасида хусусий тадбиркорга етказилган зарар шу органлар томонидан, бунга бой берилган фойдани ҳам киритиб, қопланиши лозим. Зарарларни қоплаш тўғрисидаги низолар суд томонидан ҳал қилинади.

Биз ва жаҳон

ГЕРМАНИЯДА «ЎЗБЕКИСТОН» ЖУРНАЛИ

Европа мамлакатларида Ўзбекистонга, унинг тарихи, маданити, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига қизиқиш ортиб бораётганлиги оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган хабарлардан маълум.



Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Европадаги қатор мамлакатларга сафарлари туфайли юртимиз чет элларда тобора танилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси (унинг дипломатик ҳудудига Австрия ва Нидерландия қироллиги ҳам киради) яқинда Ғарбий Европа уқувчиларига мўлжалланган «Ўзбекистон» журналини немис тилида чоп этди. Унинг дастлабки сони 5 минг нусхада бўлиб, Давосдаги Жаҳон иқтисодий форуми арафасида ушбу анжуман иштирокчилари ўртасида тарқатилди. Журнал «янги мамлакат, янги журнал» сарлавҳаси остидаги таҳририят мақоласи билан очилди. Шу жойда Президентимизнинг сурати берилиб, «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз мамлакати жаҳон ҳамжамиятига чиқиши учун изчил йўл олиб бормоқда» деган сўзлар битилган.

Журналнинг кейинги саҳифаларида Хивадаги тарихий обидалар фонида мазкур нашр мундарижаси, ношир, таҳрир ҳайъати, журнал ва босмахона манзиллари акс этган. Журналда Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси К. Кунанинг «Ҳамкорлик учун ажойиб имконият» ва Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчиси С. Сафоевнинг «Элчихона мураккаб ва масъул вазифалар олдида турибди» сарлавҳали суҳбатлари чоп этилган.

Иккинчи жаҳон уруши ҳақида қанчадан-қанча асарлар битилмади. Жилдларига рақам битилган қомуслар, жангу жадал лавҳалари тасвирланган роман ва эпопеялар, хотиралар ва эсдаликлар. Лекин бу мавзу ҳамон ёзилмоқда. Уларнинг ҳаммасини, жанридан қатъий назар, уруш оловини ёқувчиларга нафрат, тинч турмушни сақлашга даъват бирлаштиради. Ушбу мақола бевосита уруш ҳақида эмас, Ўзбекистоннинг 1941-1945 йилларда «бепоён» мамлакат иқтисодиётига қўшган ҳиссаси ҳақида. Аниқроғи, шу мавзудаги тадқиқотдан айрим саҳифалар...

ЖАНГГОҲ ОРТИДАГИ ЖАНГ

Уруш даврида кечган уқубатли йиллар биздан қанча йироқлашмасин, у халқнинг хотирасида мангуга муҳрланган. Зотан, бу урушда бутун инсониятнинг тақдири ҳал қилинаётган эди. Таъбир жоиз бўлса, бу жангларда эзгулик ёвузликка қарши курашди, ваҳшийлик бунёдкорлик тўсиғига учради.

Меҳнаткаш халқ елкасига асосан Германия фашизмига қарши бўлган урушда катта юк тушган эди. Бу қийин синовга матонат билан бардош берилди. Ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашган халқ фашизм харобага айлантирган Европанинг ҳам халаскори сифатида оёққа турди.

Ғалабага эришиш учун фронт ортида турган одамлар ўзларининг фидокорона меҳнатлари, Қуролли Кучларни барча зарур маҳсулотлар билан таъминлаш орқали ўз ҳиссаларини қўшган эди. Собиқ иттифоқнинг барча халқлари қатори фашист босқинчиларига қарши курашда Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам чинакамига фидойилик кўрсатдилар.

Урушнинг биринчи кунлариданоқ халқ хўжалигини қайта қуриш, саноат ишини ҳарбий қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришга айлантириш, қўчирилган корхоналарни ишга тушириш, ишчи-хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш каби масалалар кун тартибига қўйилди. Ўзбекистонда саноат қурилиши кенг қулоч ёйди, янги заводлар, ГЭС, шахталар, темирйўл шахобчалари ишга туширилди. Шарқдан Ғарбга қурол-аслаҳа, таъминот моллари ортилган эшелонлар узлуксиз равишда жўнатилиб турилди. Уруш йилларида қишлоқ хўжалиги ходимлари қаҳрамонона меҳнат қилишди. Улар давлатни пахта, стратегик аҳамиятга эга бўлган ашёлар, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаб турдилар.

Мамлакатнинг мудофаа қувватини мустаҳкамлаш мақсадида чекка туманларда йирик саноат иншоотлари, турдош корхоналар қуриш кўзда тутилган эди. Жумладан, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоятларида нефть ҳайдаш заводлари, Тошкент тўқимачилик комбинати, Тошкент яқинида янги кўмир шахталари, Олмалиқ мис қуйиш комбинати, қатор тўқимачилик ва ип йигирувфабрикалари ишга туширилди.

1941 йилда пахтакорлар янги маррани забт этиб, пахта ялпи ҳосилини 1.648. 000 тоннага етказишди. Янги техникаларнинг келтирилиши билан янги касблар — тракторчилар, комбайнчилар, машинистлар, чилангарлар, ҳайдовчилар, электриклар пайдо бўлишди.

Урушнинг биринчи куниданоқ фашизмга нисбатан нафрати ошган республика ишчилар синфи тезда дастгоҳни — пулемётга, болғани — милтиққа алмаштиришга тайёр эканлигини эълон қилди. Фавқулодда ҳолатда ҳарбийчасига ишлаш мажбурият бўлиб қолди. 1941 йилнинг 30 июнигача республика шаҳар ва туман ҳарбий комиссариатларига 14 мингдан зиёд киши урушга юборишни сўраб ариза билан мурожаат қилди. Бу рақам кундан-кунга ошар эди. 1941-43 йиллар давомида биргина Тошкент вилояти Ёшлар Иттифоқи 37 минг йигит-қизни армияга йўллади.

Меҳнат фронтида кундалик маром авжига чиқарди. Зарбдор жамоалар янгидан-янги ташаббуслар билан чиқишди. Мусобақанинг олдинги сафида бораётган илғорлар кунлик иш нормасини бир неча ҳисса ошириб бажариш борасида намуна кўрсатишди.

Уруш йилларида республиканинг 10 мингга яқин илғорлари шижоатли меҳнатлари учун Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотландилар. Ҳарбий қўмондонлик қисмлари ва алоҳида жангчилардан келаётган мактубларда фронт фақат жанг майдонида эмаслиги, у Ватаннинг ҳар қарич ерида — фабрикада, заводда, темирйўлда, колхоз далаларида ҳам эканлиги эслатилар эди. Етиштирилган ҳар бир килограмм дон, пахта душман учун зарбадир деб ёзилган эди. Бу чақириқлардан руҳланган қадоқ қўлли одамлар бир неча кунлаб, ҳатто ойлаб ўз иш жойларини тарк этмадилар, режаларни ошириб бажариш, хом ашёларни тежаш, сифатли маҳсулот чиқариш учун курашдилар.

Июль ойининг бошларида Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб хотин-қизларнинг кўпминг кишилик митинг ва йиғилишлари тўлқини бўлди, уларда аёллар ўз ўғлонлари, эрлари, акаларига зарбдор меҳнат билан мадад бўлажакларини изҳор этдилар. Шундай митинглардан бири 1941 йил 5 июлда Тошкент шаҳрининг Октябрь туманида бўлиб ўтди. Унда 15 минг хотин-қиз бутун Ўзбекистон аёлларига чақириқ билан мурожаат қилдилар. Тошкентлик хотин-қизлар чақириғига Ўзбекистоннинг бошқа жойларидаги аёллар ҳам бир овоздан қўшилишди. Юзлаб аёллар ҳарбий таълим олишга ва жанг қилишга розилик билдириб ариза ёзишди. Улар шунингдек, ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай жабҳасида эркаклар ўрнини босишга, ҳар қандай ишни бажаришга аҳд қилдилар. Улар дастгоҳ ёнида туришди, машина ҳам ҳайдашди. Зарбдор қурилишларга боришди, ўз кучларини аямасдан меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди.

Дастлабки бир ярим йил ичида Ўзбекистон саноатида банд бўлган аёллар салмоғи 29 фоизни ташкил этса, 1943 йил бошида бу рақам 63,5 фоизга етди. Дала ва фермаларда урушга кетган эркаклар ўрнини аёллар, қариялар ва ёшлар эгаллашди. Ҳарбий хўжаликчасига ишлаб чиқарилган режа бўйича Ўзбекистонда қисқа муддат.мобайнида аввалдан мавжуд саноат корхоналарини қайта қуриш билан бирга иттифоқнинг ғарбий вилоятларида жойлашган ҳарбий аҳамиятга эга бўлган саноат корхоналарини кўчириб келиш, ишга тушириш, янги сув ва иссиқлик станциялари, металлургия заводлари барпо этиш, нефть ва кўмир қазиб олишни ошириш керак.

1941 йилнинг декабрига келиб республика меҳнаткашларининг қаҳрамонона шижоати туфайли ҳунармандчилик тармоқларини ҳисобга олмаганда республика бўйича 230 та корхона мудофаа аҳамиятига молик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказилди.

Ўзбек халқининг меҳнат ғайратини жўш урдиришда корхоналар қошларида очилган ташвиқот ойналари, кўп тиражли газеталар, плакатлар, шунингдек, «Информбюро» хабарларини шарҳловчи варақаларнинг чиқарилиши, ишчиларнинг Қизил Армия жангчилари билан, ёшларнинг меҳнат фахрийлари билан учрашувлари катта аҳамият касб этди. 1941 йилнинг ниҳоясида Ўзбекистонда 50 та кўчириб келтирилган корхона таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўзининг саноат кадрларига талаби катта бўлишига қарамасдан махсус мактабларда таълим олган, ишлаб чиқариш малакасига эга бўлган ишчиларни Иттифоқнинг бошқа республикаларига ҳам жўнатди. Россия Федерациясида уруш йиллари 60 минг ўзбек ишчилари ишлади. 1941-43 йилларда республикадан ташқарида жами 155 минг нафар ўзбекистонлик бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлди.

Кўчирилган заводлар қуввати ошди. Танклар, авиация моторлари, миномёт, пулемёт, милтиқ, автомат ва ўқ-дорилар, граната, бомба, снарядлар етказиб бериш ҳажми кўпайди. Кўчириб келтирилган заводлар қаторга қўшилиши билан республика йирик саноат фонди 1940 йилги 1,4 млрд. сўмдан 1942 йилда 2 млрд. сўмгача кўпайди. Кўчирилган корхоналарни қайта қуриш учун Ўзбекистонда сарф қилинган маблағларнинг умумий ҳажми 450 миллион рублни ташкил этди.

1942 йилга келиб Ўзбекистонда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 2 баробар ошди. Биргина Тошкент шаҳрида саноат маҳсулоти 16 баробар кўпайди. Ўзбекистон фронтга 386 та самолёт, 3543 минг автомат, 5 миллион 140 минг ҳар хил миналар, 31 минг 700 снаряд, 149400 парашют, 35700 тонна авиабомба ва бошқа мудофаа аҳамиятига эга маҳсулотлар берди. 1943 йил нафақат фронт учун, балки унинг ортидагилар учун ҳам туб бурилиш йили бўлди. Урушнинг бир ярим йили давомида саноатда эришилган ютуқлар душман устидан ғолиб келиш учун тамал тошини қўйди. Бироқ ҳали олдинда узоқ давом этадиган ҳарбий курашлар турар, шунинг учун мамлакат саноати олдида янада мураккаб масалалар кўндаланг бўлди.

Чирчиқ электрохимия комбинати жамоаси сидқидилдан меҳнат қилди. У 1943 йилда Давлат мудофаа қўмитасининг кўчма Қизил байроғини сақлаб қолди. 1943 йил июлида комбинат Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Бу воқеа шарафига корхона жамоаси режадан ташқари 300 минг тонна ўғит берди, 6 ой ичида 7 млн. квт-соат электр энергиясини иқтисод қилди ва режадан ташқари 800 тонна мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

Уруш йиллари мобайнида Ўзбекистонда жами 280 та янги корхона қурилди. Уруш ниҳоясида республиканинг саноат қуввати 1940 йилдагига қараганда икки ҳисса кўпайди, нефть қазиб олиш 4 марта, металлни қайта ишлаш тармоқлари 6 марта, машинасозлик — 13,5 ҳисса, кўмир қазиб олиш —30, пўлат эритиш — 2, электр энергияси ишлаб чиқариш 2,5 баробар ошди.

Ўзбекистоннинг бағри кенглиги ва саховатпешалиги кўчириб келтирилган аҳолига бўлган муносабатда яққол намоён бўлди. 1941 йилнинг ёзидаёқ республикамизга фронт олди туманларидан минглаб одамлар кўчириб келтирилди. 1941 йилнинг 1 сентябригача биргина Украинадан Ўзбекистонга 5717 киши келди. Жами Ўзбекистонга 1 миллион одам кўчириб келтирилди, шулардан 200 мингги ёш болалар эди. Буғдой нонини ҳам, буғдой сўзини ҳам аямаган халқимиз ёрдамга муҳтож одамларни ўз жигаргўшаларидай қарши олишди. Тўғри, уларнинг ўз дастурхони тўла эмасди, лекин қалбида имон ва диёнатни сақлаган, эзгу руҳда тарбия кўрган ўзбеклар ўзга юртлардан келган бу одамларга уйининг тўридан жой беришди, эгнини бутлаш учун кийимбош йиғишди. Айниқса, эвакуация қилинган болаларга катта меҳр ва эътибор билан қарашди. Уларни ишчилар, хизматчилар, колхозчи ва талабалар оталиққа олишди. Болаларга ёрдам фонди тузилди. Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари ўз ҳисобларидан болалар учун 262 минг сўм пул ва 2,5 мингта кийим-кечак ҳадя қилдилар.

1942 йил 2 январда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган хотин-қизлар йиғилишидан кейин эвакуация қилинган болаларга оммавий ёрдам бериш кенг қулоч ёйди. Йиғилиш Ўзбекистон аёлларини етим болаларга она бўлишга чақирди. Кўпчилик оилалар иккита ва ундан ортиқ болаларни ўз тарбиясига олиб, улардан ота-оналик меҳрини аяшмади. Тошкентлик Шоаҳмад Шомаҳмудов турмуш ўртоғи Баҳри ая билан биргаликда 14 нафар етим болани оқ ювиб-оқ тарагани бугунги кунда барчага маълум. Сталинград жанги қатнашчиси, Москва ва Белоруссия остоналарида жанг қилган ва урушдан оғир ярадор бўлиб ватанига қайтган каттақўрғонлик Ҳамид Самадов ҳам 13 болага ота бўлди.

Ўзбекистонликлар 1941-42 йилларнинг қиш ва баҳор ойларида Ленинград қамалида қолганлар учун ўнлаб ваген ун, гўшт, гуруч ва қуруқ мевалар жўнатишди, мактаб ўқувчиларининг ташаббуслари билан совғалар йиғиб жўнатилди.

Ҳа, иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозониш учун Ўзбекистоннинг ҳиссасини санаб адо қилиб бўлмайди. Биз ҳикоя қилган лавҳалар фронт ортидаги аҳволнинг айрим манзаралари, холос. Шулар ҳақда ўйлар эканмиз, бугунги авлод қандай мард ва танти халқнинг зурриётлари эканлиги кўз олдимизга келади ва бундан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу ифтихор, келажаги буюк давлатни бунёд этишда жуда-жуда асқотади.

Ғайрат ЮСУПОВ.

• Иқтисодиёт хабарлари

САМАРАСИ АНИҚ

Хўжаликни бошқаришнинг янги усулларига ўтиш муносабати билан «Ижодкор» корхонаси Янгийўл ғишт заводлари бошқармасидан ажралиб чиқди. Корхона ҳиссадорлик жамияти мақомини олгач, бир кеча-кундузда 70 минг дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Агар жами маҳсулотнинг 30 фоизини давлат буюртмаси ташкил этишини назарда тутсак, завод истиқболда катта иқтисодий самара кўриши аниқлиги маълум бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирнинг ўзидаёқ моддий ночор, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга маҳсулот имтиёзли нархларда сотилмоқда.

Ҳадемай, яна икки янгилик амалга оширилади. Улардан бири — завод қошида ёрдамчи хўжалик ташкил этишга киришилди. Кейинчалик ана шу хўжалик ишчиларнинг гўшт ва сутга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда барпо этиладиган тикувчилик цехи эса қўшимча яна юз нафар кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Абдуваби МАННОПОВ.

ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙ

Пойтахтнинг «Юнусобод» деҳқон бозори филиалини қайта қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда. Савдо расталари шундай жойлаштирилганки, у ҳам, деҳқон, ҳам харидор учун қулай. Сабзавот, мева, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиладиган жойлар алоҳида ажратилган.

Шу йилнинг июнь ойида тўла ишга тушириладиган бозор ҳудудида полиз маҳсулотлари учун ҳам махсус бостирма қурилмоқда. Диққатга сазовор жойи шундаки, қурилиш ишлари поёнига етгач, бозор қишда илиқ, ёзда эса салқин бўлади.

Ш. ШОРАСУЛОВА.

Сиз нима дейсиз, азизлар!

ТАФТИШ ТАҲЛИКАСИ

Жарқўрғон туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигидан бултур қарийб 6 ой тафтишчиларнинг оёғи узилмади. Деҳқончилик саноати давлат уюшмаси ходимлари, солиқчилар, молиячилар, аллақандай кру-пручилар ғоҳ Термиздан, ғоҳи Тошкентдан ва яна Термиздан келишиб, қоғозларнинг чангини чиқариб ўрганишди. Ҳаттоки, энди туғилган улоқ-ўзиларни жинсларга ажратиб, билдиришномалар ёзишди.

Хўжаликда пахта тайёрлаш йиллик режаси 80 фоиздан ошиб-ошмай қолди. Бошқа тармоқлардаги ғоҳи пасту ғоҳи баланд мақомли юмушларнинг гашти ҳам сезилмади. Ахир, билсангиз, тафтишчи дегани ҳам нонию ҳам ошини еб, боз устига мезбоннинг тишини-да санаб ўтирадиган ноқулай меҳмонга ўхшайди. Меҳмоннинг бу авзойини сезган мезбоннинг аҳволини би-ир кўз олдингизга келтиринг-а. На унинг қўли ишга борар, на тили гапга. Тўғри, тафтиш хулосалари ҳеч кимнинг бурнини қонатмади. Яъники, ҳисоб-китобларда бирон жиноий ёки қонунбузарлик ҳаракатлари аниқланмади. Лекин... лекин бундан ҳам ҳеч ким дўпписини осмонга отиб хурсанд бўлгани йўқ. Ахир, режаларнинг ўлда-жўлда қолиб кетганидан кўнгилларга чўккан хижолат ҳисси энди бутун елкаларидан босиб турипти. Хўжалик рўзгорининг рангини сўндирмоқда.

Хўш, айб тафтишчилардами? Мутлақо. Хўжаликни қайта-қайта ўрганишга уларнинг кўзи учиб тургани йўқ эди. Шикоят аризалар кетма-кет ёзилаверди. Тафтиш ҳам кетма-кет чақирилаверди. Айтишларича, бу хўжаликда раиснинг устидан ёзиш, ёзавериш русм бўлиб қолган экан. Яқин ўртада бу ерда кимки раисликдан бўшаган бўлса, шикоятчи-аризачиларнинг саъй-ҳаракати билан, аризачиларнинг аралашуви билан бўшаган, аниқроғи, бўшатилган экан.

— Мен, Омон Аҳадов бўлганим учун, яхши ёки ёмон ишлаётганим, яхши ёки ёмон одам бўлганим учун эмас, раис бўлганим учун мени ёзишди, ёзишяпти, — дейди хўжаликнинг раиси. — Мендан олдин шу лавозимда ишлаганларнинг бошида ҳам шу қуюн айланган. Бу қуюн асли, фақат раиснинг эмас, бутун жамоанинг бошини айлантириб қўйди. Ҳар куни кўнгилхиралик. Техниканинг, ёнилгининг изини суриштиришнинг ўрнига, бағрингни столга ташлаб, тафтишчига «допрос» берасан. Бир эл, бир овул бўлиб яшаётган, бир ариқдан сув ичаётган одамлар — аризачилар оёғинг тойиб кетишини интизорлик билан кутаётганини сезиб толиқасан. Асоссизу бир сабабсиз икки қўлни ҳам кўтариб майдонни ташлаб чиқай, десанг, орият бор.

— Аризачилар ҳам гапни ҳаводан олиб ёзмаётгандир, — дейман.

— Ана, тафтишларнинг хулосалари. Бир сандиқ қоғоз, — деб каттакон сейфга ишора қилади бош ҳисобчи Узоқбой Туропов. — Ваколатли идоралар шу хулосаларга қараб ҳукм қилаверсин. Мансаб талашлигимиз йўқ. Лекин, ҳар куни тафтишчилар «десанти» нуқул бизнинг бошимизга тушаверса... Адолатданми бу...

— Тафтиш десантларидан ҳам, режаларнинг бажарилмаётганидан ҳам кўра мен бир нарсадан кўпроқ ташвишдаман, — дейди Омон Аҳадов. — Аризачилик аҳиллигимизга путур етказяпти. Меҳр-оқибатимизга раҳна солаяпти. Бир-биримизга ёвқараш қилиб юрган қайдаю, бир ёқадан бош чиқариб ишлаган қайда. Ахир ризқ ғанимат, умр ғанимат, одам ғанимат. Бир олам муаммолар гирдобида турган пайтимизда тортишсак, тарафкашлик қилсак...

Хўжаликнинг одамлари ишлаяпти. Улар учун на ариза, на тафтиш бир пулга қиммат. Уларга вақтида бериб туриладиган маош керак. Дурустгина даромад керак. Фалончининг шунқор одамлари қойилмақом ишлаб, ўзлари ёруғ булаяпти, деган ном керак.

Шундай экан, тумандаги мутасадди ташкилот раҳбарларининг бир четда холис томошабин бўлиб туришганига ҳайрон қолади киши.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: мақолани ўқиб чиқиб, ўйланиб қолдингизми? Ҳа, биз ҳам худди шундай ҳолатга тушдик. Муаммолар қаторлашиб турган бир пайтда, тарафкашликка нима бор?! Ахир бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, деган гап бекорга айтилмаган-ку! Бу борада сиз, азиз муштарийлар, қандай фикрдасиз?

Фармон ва ижро



ФЕРМА ХУСУСИЙ — МАНФААТИ УМУМИЙ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қисқа давр ичида кўпгина ўзгаришлар рўй берди. Президентимиз ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан бир қанча Фармон ва қарорлар қабул қилди. Юртбошимизнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ҳамда «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонлари қишлоқ хўжалиги соҳасида мулкчилик шаклларини ўзгартириш, ҳар бир ишбилармон, ҳар бир тадбиркорга янада кўпроқ эркинлик бериш, деҳқон (фермер) хўжаликларининг иш фаолияти ва иқтисодий ривожланиш даражасини юқори босқичларга кўтариш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муҳим омил бўлди.

Бу фармонларнинг аҳамияти, айниқса, чорвачилик соҳасида кўпроқ сезилмоқда. Чунончи аввалларида ҳамиша зарар келтириб келган фермалар хусусийлаштирилгандан сўнг бирмунча ўзгаришлар юз бермоқда. Жамоалар наинки режаларни бажармоқдалар, балки кўплаб фойда олмоқдалар.

Бахмал туманида шу ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. Чорвачилик борасида илгари катта ютуқларга эришган туманда кейинги йилларда бу соҳа анча оқсаб қолганди. Шу боис чорвачиликни ривожлантириш учун ҳақиқий ишбилармон — тадбиркор кишилар зарур эди. Хайриятки, бундай одамлар топилди.

Чунончи, тумандаги «Қатортол» ижара-ширкат хўжалиги чорвачилик фермаси ана шундай ишбилармонга ёлчиди. Бундан икки йил аввал фермани Туйли Гулмуродов раҳбарлигидаги жамоа хусусийлаштириб олди. Сўнг бу жамоа акционерлик жамиятига айланди.

Шуни ҳам айтиб утиш керакки, ферма ҳар томонлама зарар келтирарди. Биринчидан, кўплаб ёнилги ишлатиларди. Иккинчидан, техника воситалари сероб эди-ю, лекин улардан наф кам эди. Жамият раиси Туйли Гулмуродов ташаббус билан чиқди. Молларга емиш тарқатиш ишларида техника ишлатилмайдиган бўлди. Арзон нархда учта арава сотиб олинди. Ем-хашак унда ташилаётгани боис анчагина маблаг тежаб қолиняпти.

Бугунги кунда фермада бор-йўғи 16 киши ишлаяпти. Ишлаганда ҳам самарали ишлаяпти. Аввалари эса 30—40 одам овора эди, унум ҳам паст эди.

Чорвадорларнинг астойдил меҳнати ўз самарасини берди. Яъни ўтган йили 19 тонна гўшт тайёрланди. Сут заводларига 85 тонна маҳсулот сотилди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдори 2 минг килограммдан ошди. Шуниси ҳам борки, бу ердаги сигирлар орасида бирорта ҳам зотлиси йўқ. Асосан жайдари моллар. Шунга қарамай, бир кеча-кундузда 8—10 килограммдан сут маҳсулотлари олинаётир.

Айни пайтда фермада 323 бош қорамол парваришланяпти. Шулардан 63 боши соғин сигир. Молбоқарлардан Баҳриддин Тиллаев, Нарзиддин Бердиқулов, Малик Маматов, сигир соғувчилардан Гулбаҳор Усарова, Озода Раҳимова ва бошқалар кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда.

— Жамоамиз аъзолари эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолишмайди, — дейди Туйли Гулмуродов. — Кейинчалик фермани янада кенгайтириш, моллар сонини кўпайтиришга ҳаракат қиламиз. Айни пайтда биз етиштирилган сутни Булунғурдаги сут заводига топширяпмиз. Балки ҳайрон буларсиз, нега ўз туманингиз қолиб, бошқа вилоятга сут сотяпсиз деб. Ҳа, биз илгари Усматдаги сут заводига маҳсулот килосини 1 сўм 27 тийиндан топширардик. Ўз транспортимизга яраша пулни вақтида ололмадик. Шу боис сут маҳсулотларини қўшни вилоятга топширишга тўғри келди.

Булунғурликлар эса сутнинг ҳар килограммига 2 сўм 20 тийиндан ҳақ тулашмоқда. Бунинг устига сутни ўзлари олиб кетишади.

Яқин келажакда булунғурликлар сутни қайта ишлайдиган цех қуриб беришга ваъда қилишди. Кейинчалик ўзимизда қаймоқ, бринза, пишлоқ ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарамиз. Шуниси қувончлики, хўжалик бизга сувли ердан 20 гектар ажратиб бермоқчи. Ушанда озуқа ҳам тўла ўзимиздан чиқади.

Хуллас, хусусийлаштирилган фермадаги ишларни кўриб қувондик. Зеро, ферма хусусий бўлгани билан манфаати умумий эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.

СУРАТДА: «Оқ чашма» раиси Туйли Гулмуродов ва молбоқар Нарзиқул Бердиқулов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Ислоҳот одимлари

Маҳамаджон ХУДОЁРОВ:

«ТАКЛИФЛАРИМИЗНИ ЎЙЛАБ КЎРИНГ»...

Янгийўл ёг-мой комбинати ҳиссадорлик жамияти сифатида иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо энг муҳими, меҳнаткашнинг меҳнатга ва ишлаб чиқариш техникасига муносабатида туб бурилиш пайдо бўлди.

Комбинат акцияларининг 49 фоизи корхона ходимларига тақсимланди. Бу — биринчи босқич, албатта. Хўш янгича муносабатларнинг туб моҳияти нимада, гап фақат шаклдами? – деган саволлар туғилиши табиий. Бу борада жамият раҳбари, Ўзбекистон халқ депутати, М.Худоёровнинг муайян ва равшан фикри бор. Бу эса, назаримизда, жуда муҳим.

— Чет элда «ижтимоий сармоя» деган тушунча бор. Бу атама меҳнат қилувчи, ишлаб чиқарувчига нисбатан ишлатилади. Анча унгайсиз туюлади, аммо капитал, яъни сармоянинг қай мақсадда ва қандай пировард натижани кўзлаб сарфланиши масаласи айнан ўша ишловчига, унинг қобилияти, капиталга нисбатан эгалик ҳиссига ҳам боғлиқ булади.

— Маҳамаджон ака, суҳбатимиз йўналишини тўғри бошладингиз. Келинг, энди янгича муносабатларга ўтаётган давримизда онгимизда юз бериши зарур бўлган ўзгаришлар ҳақида ҳам гаплашсак.

— Яқинда чет мамлакатлар тажрибалари билан танишиб келдик. Шу масалада бир гап-да. Уша биз таъкидлаган ишлаб чиқарувчи, уйлаб топувчи бир неча мезонлар билан синаларкан. Унинг хусусиятларини ўрганиш маъносида-да.Булар сизлар учун қизиқ туюлса керак.

Олайлик, мутахассис келди. Хўш, уни қайси лавозим ё вазифага қўйиш маъқул. Унинг лаёқати нимага қодирлигини аниқлаш керак. Масалан, раҳбарлик лавозимига қўйсак бўладими? Шу нуқтаи назардан қўйидагича мезонлар унинг «имтиҳон саволлари» булади:

I. Одамларни бошқариш қобилияти, бозор иқтисодиёти шароитида якка шахс билан ишлай олиши.

2. Жамоада ўрин эгаллаши.

3. Масъулият, жавобгарликни зиммасига ола билиши.

4. Янгиликни қабул қилиши, янгиликка муносабати.

5. Муомаласи, дипломатияси.

6. Ишонтира олиш, эргаштира олиш қобилияти.

7. Ишининг унуми, самарадорлиги.

8. Мустақил фикрга эга бўлиши, иш юрита олиши.

Мана, саккизта мезон. Бу узига хос имтиҳондан уттан мутахассис раҳбарликни бемалол эплаб кета олади.

— Олайлик, янги ходим ҳам келди. У масалан, Сизнинг жамоангизда қандай ишлаши керак?

— Аввало, тежамкорликка, сифатга эътибор бериш лозим, назаримда. Сифат масаласини қаранг, ишнинг сифати, маҳсулот сифати,қолаверса, интизомнинг ҳам сифати бор. Ходим эрталаб туққиздан кечки олтигача ҳеч иш қилмасдан ҳам юриши мумкин. Аммо кеч келиб, эрта кетиши ва бунда муайян бир вазифани адо этиши ҳам. Энди интизомлилик ишга, унинг унумига қараб баҳоланяпти. Тежамкорлик маъносида, агар ишчи ўзи ишлаётган ускунага эгалик ҳисси билан қарамас экан, у дастгоҳни аямайди, бизда эса ундай эмас. Кишилар энди мулкка ўзларинникидек қарашга, эҳтиётлаб, тежаб фойдаланишга ўрганишяпти. Ҳар хил янги таклифлар айтишяпти, демак онгимизда ҳам янгиланиш, ўзгариш бор.

— Ишлаб чиқаришнинг мунтазамлигини таъминлаш қийин кечмаяптими?

— Эҳтиёт қисмлар, металлдан электродгача Россиядан мол айрибошлаш эвазига олиб келиняпти. Хом аше масаласини эса ечиш анча енгиллашди, десам булади. Сабаби, пахта тозалаш заводлари билан шартнома асосида ҳамкорлик қиляпмиз. Улар чигит, биз эса тайёр маҳсулот беряпмиз.Хуллас, режалар бажарилиб, молиявий аҳволимиз анча яхши.

Яна бир неча ҳамкорларимиз бор. «Шарқ интерпрайзис» фирмаси билан идиш масаласини ечяпмиз, чирчиқликлар билан эса чўяндан ясаладиган қуритиш ускунаси борасида келишувларимиз бор.

— Натижалар хусусида ҳам гапириб берсангиз.

— Агар рақамлар орқали ифодаланса, ишларимиз чакки эмас. 1994 йил якуни бўйича ўсимлик ёғи 106,4 фоизга бажарилди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 123 фоизга тенгдир. Хўжалик совуни — 100, шрот — 106, шелуха ишлаб чиқариш эса 120 фоизга ўддаланди...

Дарвоқе, корхона аҳлининг соҳа хўжаликларига таклифлари ҳам бор. Янгийўл ёг-мой» ҳиссадорлик жамияти бир кунда 800 тонна пахта чигитини қайта ишлаш қувватига эга булиб, режани ўддалаган пахтачилик хўжаликларига ўз ихтиёрларида қолган чигитни самарали ва сифатли қайта ишлаш бўйича манфаатли ҳамкорликка чорлайди. Бунда тайёр маҳсулот давлат прейскуранти маҳсулотлар чиқим миқдорига қараб узаро келишувга асосан амалдаги улгуржи нархларда тўлиқ қайтариб берилади.Бундай шартнома тузиш учун эса жамият дирекциясига туман ҳисоблаш бошқармасидан хўжалигингиз режани ўддалаганлиги тўғрисида, вилоят пахта савдо-саноат бошқармасидан эса чигит миқдори ҳақида, пахта тозалаш корхонасидан «Янгийўл ёг-мой» ҳиссадорлик жамиятига чигитни етказиб бериш тўғрисида хат тақдим этилса кифоя.

Дарҳақиқат, ўтган 1993-1994 йилларда 50 дан ортиқ хўжаликларга намунали хизмат кўрсатилганини таъкидлаш жоиз. Ҳиссадорлик жамиятининг телефон рақамлари эса қуйидагича: 7-39-76, 7-47-32, 7-47-25.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
Нарзулла ШОНИЁЗОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Эртага — Қизил Хоч халқаро қўмитаси куни

ИНСОН ҚАДРИ ҲАМИША АЗИЗ

Бугунги кунда бутун ер курраси бўйлаб одимлаётган ва жаҳоннинг 163 мамлакатларида ўзининг ташкилотларига эга бўлган Қизил Хоч ҳаракати халқаро миқёсда катта аҳамият касб этмоқда. Швейцариялик оддий ва салоҳиятли тадбиркор Анри Дюнан ўз замонасида яхши ният билан бошлаган хайрли ҳаракати ҳозирда кенг қанот ёзмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Марказий қўмитасининг раиси Ў.Т.Воҳидова билан суҳбатлашди.

— Ўктамхон Толиповна, ҳозирда жаҳоннинг турли минтақаларида юз бераётган табиий офатлардан тортиб, айрим давлатлар ўртасида бўлаётган ўзаро низоли тўқнашувларда оддий меҳнаткаш аҳоли жабру жафо чекмоқда. Бундай ачинарли воқеаларни ўйлаганимизда уша ажойиб инсон Дюнаннинг жасоратини эслаш ибратлидир.

— Анри Дюнаннинг жасорати буюк таҳсинга лойиқ. У 1859 йилда Италиянинг Ломбардия шаҳрида қон ва алангага боғлан жанг майдонини кесиб ўтиб, Сольферинога боради. Бу ерда кун бўйи қонли жанг бўлаётган эди. Тадбиркор жанг майдонида минглаб яралар жангчиларни кўриб даҳшатга тушади. Ана шу пайтда унинг хаёлидан одамларга мадад ва нажот қўлини узатиш фикри ўтади. Бу манзара кўнгилли жамоат ташкилоти Қизил Хочни яратиш ғоясини беради. Анри Дюнан бу ташкилотга, ҳатто жанг майдонида ҳам бетарафлик мақомини беришни таклиф этди. Бу инсонпарварлик ғоясини женевалик тўрт мутахассис — Женева жамоат турмушини рағбатлантириш меҳр-шафқат жамиятининг Президенти Гюстав Муанье, генерал Гий Анри Дюфур ва шифокорлар Луи Аппиа ва Теодор Монуар қўллаб-қувватлашган. Улар биргалашиб 1863 йилнинг 17 февралида яралорларга ёрдам берувчи Халқаро Қўмита — яъни бўлғуси Қизил Хоч Халқаро Қўмитасига асос солдилар. Қўмитанинг уша йилнинг кузида ўтган конференциясида жаҳоннинг 16 мамлакатидан экспертлар қатнашган. Унда қабул қилинган қатор қарорлар Қизил Хочнинг Низоми тимсоли бўлди. Шундай қилиб Қизил Хоч Ҳаракати тузилди.

Швейцария ҳукуматининг ташаббуси билан 1864 йилнинг августида ўтказилган дипломатия конференциясида АҚШ ва Европадаги 12 мамлакат қатнашди ва унда «Ҳаракатдаги армияларда яралорлар ва касаллар аҳволини яхшилашда қатнашиш Женева Конвенцияси» Шартномаси эътирозсиз қабул қилинди. Кейинчалик бу шартнома Халқаро инсонпарварлик ҳужжатлари юзага келишида асосий манба бўлиб хизмат қилди. Бора-бора янги-янги ҳужжатлар бу инсонпарварлик ҳуқуқлари мазмунини янада бойитди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон давлати Женева конвенциясига қўшилганлиги ҳақида қарор қабул қилди.

Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари халқаро федерациясининг ҳар йили ассамблеяси ўтказилади. Бу йилги бўладиган ассамблеяда мустақил Ўзбекистон Республикасини Қизил Ярим Ой жамиятлари федерациясига тенг ҳуқуқли аъзо қилиш масаласи кўриб чиқилади. Ҳозир бу муҳим воқеага муносиб ҳозирлик кўрилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозимки, жамиятимизнинг кўп сонли аъзолари яна бир муҳим воқеага тайёргарликни бошлаб юбордилар. У ҳам бўлса Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ташкил этилганига шу йилнинг ноябрь ойида 70 йил тўлади. Бу санани муносиб нишонлаш юзасидан жойларда турли тадбирлар амалга оширилмоқда.

1993 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Қизил Хоч Халқаро Қўмитаси ўртасида имзоланган шартномага биноан Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро қўмитасининг Тошкентда ваколатхонаси очилди.Бу ваколатхона икки йилдан буён самарали ишламоқда. Тошкент вакиллигининг раҳбари Пьер Жоссероннинг айтишича, бу йиллар халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи тўғрисидаги билимларни тарқатишда ғоятда самарали ва мазмунли бўлди.

Халқаро ташкилотнинг Тошкент минтақаси вакиллиги Марказий Осиедаги Қизил Ярим Ой ва Қизил Хоч миллий жамиятлари билан яқин ҳамкорликда ишламоқда. Улар ёрдамида бир неча семинарлар ўтказилди. Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад республикамизда халқаро инсонийлик ҳуқуқларини жаҳон талаблари даражасида тарғиб этишдан иборат.

Минтақавий ваколатхона миллий қўмиталар фаолиятини техника воситалари билан жиҳозлашда етарли миқлорда ҳар хил ускуналар етказиб берди. Тошкент ваколатхонаси бу йил халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини ўрганиш борасида махсус ихтисослаштирилган дастурларни тайёрлаш устида ишламоқда. Бунинг учун журналистлар ва талабалар ўртасида махсус семинарлар ўтказилади.

Шу йилнинг май ойида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказиладиган халқаро семинарда ҳарбий ҳаракатлар пайтида маданий бойликларни ҳимоя қилишга доир қонунчилик нормаларига риоя этиш масалалари кўриб чиқилади.

Суҳбатдош Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Шатранж оламида

ДАЪВОГАРЛАР БАҲСИ

Қадимий шатранжнинг илк ватанларидан бири — Ҳиндистон кейинги йилларда бу ўйиннинг тарғиботи ва ривожи йўлида кўпгина тадбирларни рўёбга чиқармоқда. Чунончи, ҳозир бу ерда ФИДЕ мақомидаги навбатдаги жаҳон шахсий биринчилигининг ярим финал баҳслари давом этмоқда.

Мусобақада забардаст гроссмейстерлар — москвалик Анатолий Карпов, питербурглик Валерий Салов, белорусслик Борис Гельфанд ва америкалик Гата Камский ўзаро дона сурмоқдалар. Анатолий Карпов ҳақида кўп гапирилган ва кўп ёзилган. Ушбу мусобақаларнинг энг ёш иштирокчиси Гата Камский асли питербурглик бўлиб, бундан беш олти йил муқаддам 14-15 ёшлик чоғларида тақдир тақозосига кўра отаси билан АҚШда яшай бошлади. Эсимда, Москвада чиқадиган шахмат нашрларидан бирида 5 яшар Гатанинг сурати босилиб чиққан ва унинг тепасига: «Бу болани эслаб қолинг!», деган ёзув битилган эди.

Дарҳақиқат, бу ёзув башорат бўлиб чиқди. Мана бир неча йилдирки, Гата Камский шахмат тожи сари шиддат билан интилмоқда. Унинг биринчи турдаги Салов билан учрашуви олти соатлик қизғин жанглардан сўнг ниҳоясига етмай қолди. Анатолий Карпов эса дуранг натижа билан кифояланди. Низомга кўра ярим финал иштирокчилари ўзаро 10 партиядан иборат матч ўтказиб, ким олдин 5,5 очко жамғарса финал матчига йўлланма олади. Ҳисоб 5:5 бўлиб қолган тақдирда қўшимча ўйинлар белгиланади. Булар ҳам ёрдам бермаса, ғолиб қуръа ташлаш йўли билан аниқланади. Мутасадди ва ҳиндистонлик ҳомийлар иштирокчиларни тақдирлаш учун 500 минг доллар миқдорида мукофот фонди таъсис этдилар. Белгиланган тартибга кўра, ғолиблар мукофотнинг учдан икки қисмини, мағлублар эса учдан бир қисмини оладилар.

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Яқинда Алматида бўлиб ўтган халқаро турнир ҳам вакилларимиз учун қувончли бўлди. Халқаро мастер С. Йўлдошев, миллий спорт усталари В. Егин, И.Каримов ва халқаро гроссмейстер С. Загребельний совриндорлар сафидан жой олдилар.

РУСТАМ КАЛЬКУТТАДА

Ҳиндистоннинг энг катта шаҳри — Калькуттада ўтказилган йирик халқаро турнир якунланиб, унда вакилларимиз улкан муваффақиятга эришдилар. 11 имкониятдан 8 очко жамғарган тошкентлик халқаро гроссмейстер Григорий Серпер 1—5 ўринларни бўлишиб олиб, бош совринга шерик бўлган бўлса, унинг ҳамроҳи ва ҳамшаҳри, 15 ёшли мактаб ўқувчиси, миллий спорт устаси Рустам Қосимжонов 6,5 очко билан олдинги ўринлардан бирини эгаллади. Турнир давомида у ўн беш гроссмейстернинг олтитаси билан учрашиб, уларга қарши ўйинларда 3 очко олиши мутахассислар томонидан юксак баҳоланди. Айни чоқда Рустам халқаро мастерлик учун иккинчи баллга эришди. Яқин орада у Москвада ўтадиган яна бир нуфузли мусобақада қатнашиб, гроссмейстерлик йўлида курашга кириши кутилмоқда.

ХАЛҚАРО УСТА БЎЛДИ

Ўтган йил охирларида Голландиянинг Гронинген шаҳрида 200 киши иштирокида ўтказилган анъанавий турнир ҳам вакилларимиз учун чакки бўлмади. Чунончи, тошкентлик Рена Мамедова 30 нафар аёл иштирокчилар ўртасида бош совринга эга бўлиб, халқаро мастер унвони талабларини адо этди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ

Қўшработ туманининг Эргаш Жуманбулбул номли ижара хўжалигидаги Булоқбоши қишлоғида яшовчилар 1941-1945 йилларда фашизмга қарши уруш фахрийси Абдураҳим Дониёров ва Афғонистонда ўзининг байналмилал бурчини ўтаб келган Шокир Қўқоновлар тез-тез учрашиб, босиб ўтилган шонли йўл ҳақида суҳбатлашиб туришади. Шу қишлоқдаги 56-мактабга боришиб, ўқувчи-ёшларга ўзларининг ҳаёт йўли ҳақида гапириб беришади.

Шу кунларда Абдураҳим бобо Донёров қарилик гаштини сураяпти. Шокир Қўқонов эса мактабда ўқувчиларга илм бермоқда.

Суратда: икки жангчи гурунглашиб турган пайт.

Суратни Абдуҳаким ЗОЙИРОВ олган.

Шаҳар бедарвоза эмас

ЮКЛАР МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

Ҳафта бурун Тошкент вилояти божхона хизматининг контрабанда, божхона қоидалари бузилишига қарши кураш ва суриштирув бўлими ходимлари «Янгиобод» божхона постида иккита автоуловни тўхтатишди. «КаМАЗ» русумли давлат белгиси с 65—35 ТШ автоуловининг ҳайдовчиси Маҳмуджон Ҳолиқов Чиноз тумани «Қизил октябрь» жамоа хўжалигининг Охунбобоев участкасида истиқомат қилади. Давлат белгиси с 86—14 ТШ автоуловининг ҳайдовчиси Абдуназар Ғофуров ҳам ўша ерда яшайди. Автоуловлардаги юклар божхона назоратидан ўтказилганда қуйидагилар аниқланди. Унда ҳеч қандай ҳужжатсиз ва қонунга хилоф равишда 2002 кг. ерёнғоқ, 5007 кг. пиёз, 3760 кг. сариёғ, 2388 кг. маргарин, 1750 дона супурги, 1547 кг. қуруқ мева, 5405 кг.гуруч, 224 балон абрикос шарбати, 120 балон тузланган бодринг, помидор, 180 комплект кўрпа жилди ва чойшабларни Челябинск шаҳрига олиб кетаётганлиги аниқланди.

Қонунга хилоф равишда олиб кетилаётган юклар давлат фойдасига мусодара этилиб, А. Ғофуров, М. Холиқов маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Дастлабки текширув натижасида тўпланган ҳужжатлар ўша куниёқ Тошкент вилоятининг ИИБ коррупция бўлимига қонунга биноан тегишли чора кўриш учун топширилди.

Шу куни Навоий вилояти божхона хизмати ходимлари ҳам «КаМАЗ-5320» русумли давлат белгиси 50—60 СИЛ автоуловини тўхтатишди. Уни бошқариб бораётган Шавкат Қўшбоқов Ш. Рашидов туманидаги тажриба - экспериментал фабрикасида ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Унинг Учқудуқ тумани ҳудудида яшовчи аҳолидан сотиб олган 1730 кг. ерёнғоғи ва 12800 кг. рангли мис чиқиндиларни қонунга хилоф равишда Қирғизистонга олиб кетаётгани аниқланди. Юклар давлат фойдасига мусодара этилиб, Ш. Қўшбоқов маъмурий жавобгарликка тортилди. Айни пайтда божхона ходимлари томонидан дастлабки суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Қуйидаги воқеа ҳам Навоийда рўй берди. Вилоят божхона хизмати ходимлари Султон Болтаев бошқарувидаги давлат белгиси 63—19 БХЛ автоуловини тўхтатишди. Унда Шерали Нормуродов, Саъдулло Тошевлар 1186 кг. ўсимлик ёғини қонунга хилоф равишда Қозоғистонга олиб кетишаётган экан. Ёғни гўё улар Бухоро шаҳрида яшовчи Салим Эргашевдан сотиб олганлар. С. Эргашев эса ёғни Чоржўйдан келтирганман демоқда. Юк мусодара қилинди.

Абдумўмин ТИЛОВОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.

Ие, йўқе, наҳотки?!

20 ЙИЛ ЮТУҚНИ КУТИБ

НЬЮ-ЙОРК шаҳрида қизиқ лотерея ўйини бор бўлиб, унинг шартига кўра, барча катакларни тўғри тўлдирган 9 ғолибга 90 миллион доллор берилади. Бироқ, шуниси қизиққи, ютуқ чиққан кишилар маблағни фақат 20 йилдан кейингина оладилар. Лекин шундай бўлса-да, бу лотереянинг ишқибозлари йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозир унинг ишқибозлари 200 минг кишидан ошиб кетди. Уларнинг барчаси ғолиб бўлишни истайди, албатта. Аммо бунинг учун яна 20 йил яшашлари шарт.

БЕШ ЙИЛДА ЧИЗИЛГАН РАСМ

ОДАТДА рассомлар бирон-бир воқеликдан ёки табиат манзараларидан завқланади ва бу завқ ўз навбатида унга илҳом бахш этади. Натижада мўйқалам устаси ўша манзара ёки воқеликни кичиклаштирилган ҳажмда қоғозга туширади. Бироқ америкалик рассом Бенуорд Миссисипи дарёсининг гўзал табиатини қандоқ бўлса, шундоқлигича, яъни бўй-басти, кўз илғаган кенгликларини табиий кўринишда чизишга қарор қилган ва бу ниятни амалда исботлаган ҳам.

Бу антиқа расм ҳалиҳануз дунё тарихида энг улкан ҳажмли картина ҳисобланади. Унинг бўйи 4 метр бўлиб, узунлиги 1525 метргача чўзилган. Бенуорд уни роппа-роса беш йил, яъни 1840 йилдан 1845 йилгача чизган. Аммо афсуски, бу картинани замондошларимиз томоша қилишолмайди. Чунки у ёниб кетган.

ОХИРИ ЙЎҚ ПЬЕСА

«САЁҲАТЧИ-МАЙК» радиопостановкаси жаҳонда энг узун пьеса ҳисобланади. У Канаданинг Нью-Вестминстер шаҳридаги маҳаллий радиостанция орқали 1944 йилдан бери ҳафтасига олти марта эшиттирилмоқда. Бугунги кунда ҳам янграётган бу пьесанинг қачон тугаши ҳалиям номаълум.

РАЙНАХДА ЯСАЛГАН ШАМ

ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Райнах шаҳарчасида яшовчи бир неча киши ҳамкорликда бундан бир неча йил муқаддам ажойиб рекорд ўрнатишган. Ўшанда улар янги йилга совға сифатида узунлиги 5,72 метр келадиган шам яратишган. Шамнинг айланаси 30 сантиметрни ташкил этиб, оғирлиги 400 килога тенг бўлган.

«ЭМАЛЬ»
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— оқ, ҳаво ранг, барикарам ранглардаги ПФ-115 эмали.

— пол учун 3 кг. ва 100 кг. лик идишларда ПФ-266 эмали. Идишлар қайтарилмайди.

Ҳақ тўлаш: чек ёки аккредитив.

Тошкентдан харидорнинг ўзи олиб кетади.

Мурожаат учун телефонлар: 91-56-20, 68-53-88.

«ГУЛ-КОН»

Чимён сайёҳлик мажмуининг Тошкентдаги ваколатхонаси «Гул-кон» сайёҳлик фирмаси

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— Денгиз сатҳидан 1600 метр баландликдаги Чимён сайёҳлик мажмуида мароқли дам олишни истасангиз, марҳамат. Бу ерда яхши хордиқ учун барча шароит:

қуёш нуридан ялтираб турган қор, ажойиб тоғ чанғи йўллари, қўшимча хизматлар муҳайё. Гуруҳ бўлиб бориш учун йўлланмалар, ҳамма хизмат турлари буюртмачи ихтиёрига кўра;

— буюртмачининг хоҳишига кўра поезд ёки самолётда Москвага сафар;

Кисловодск, Ялта, Ессентуки шаҳарларига ҳар қандай муддатга даволаниш учун сафарлар. Йўл ҳақи сафар йўлланмаси ичига киради;

— Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари бўйлаб экскурсия;

— Хорижга сафарлар, чет эл паспортлари бўлган фуқароларга визаларни расмийлаштириш. Ҳақ тўлаш шакллари: нақд, ўзаро ҳисоб-китоб ва пул ўтказиш йўли билан.

Манзилгоҳ: Мовароуннаҳр кўчаси, 4-уй, 3-қават. Йўналиш: Метронинг «Амир Темур» бекати, Курантнинг қаршисида.

Маълумот учун телефонлар: 32-22-10, 33-73-84.

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан

· 98%лик каустик содани сотади (Стерлитамак шаҳри).

· Мавоза бўйича манфаатли таклифларни кўриб чиқади.

Тел: 45-75-23, 45-75-58, 45-75-67.

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!
"КОКА-КОЛА" ИЧИМЛИГИ ТОШКЕНТ ЛТД" ҚЎШМА КОРХОНАСИ "БЕШ-ЁҒОЧ" БОЗОРИ СУПЕРМАРКЕТИДА МАХСУС ЯНГИ ФИРМА ДЎКОНИНИ ОЧДИ

ФИРМА ДЎКОНИДА СИЗЛАР ЎЧУН БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛГАН:

— хоҳлаган миқдорингизда "Кока-Кола" бўш шишаларини нақд пулга топширишингиз мумкин.

— исталган миқдордаги "Кока-Кола" бўш шишаларини мазкур ичимликка алмаштиришингиз мумкин.

— якка тартибда ва хусусий савдо фаолияти кўрсатаётганлар ҳамда барча мижозлар "Кока-Кола" ичимлигини нақд пулга улгуржи харид қилишлари мумкин.

— "Кока-Кола" ичимликлари арзон нархларда мижозларга тавсия этилади.

ФИРМА ДЎКОНИ ҲАМИША ХИЗМАТИНГИЗГА МУНТАЗИР!

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, "Беш-ёғоч" бозори, Супермаркет.

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР! "КОКА-КОЛА" ИЧИМЛИГИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ "ОЗИҚ-ОВҚАТ" АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ ШИША ИДИШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ҚУЙИДАГИ САВДО ШОХОБЧАЛАРИГА "КОКА-КОЛА" ИЧИМЛИГИ БЎШ ШИШАЛАРИНИ ТОПШИРИШИНГИЗ МУМКИН:

1.Шайхонтоҳур туманида — "Ғунча", "Ўрда", "Шопойиз", "Бозиргон", "Оқ тепа" дўконлари.
2.Акмал Икромов туманида — 1-, 2-, 8-, 10-, 11-, 13-, 15-, 17-, 18-, 20-, 22-, 24-, 26-,31-, 39-дўконлар.
3.Миробод туманида —"Анвар Туроб", "Нур сари", 5-сонли, "Камилия", "Охунжон ота", "Мунис нур", "Равшан-Дилшод", "Сарикўл", "Хумонон бут", "Кумуш зар" дўконлари.
4.Чилонзор туманида — 13-, 14-, 21-, 22-, 22/1-, 24-, 26-, 17-дўконлар.
5.Собир Рахимов туманида — 3-, 8-, 12-, 16-, 21-, 25-, 30-, 32-, 41-, 49-, 62-, 71-дўконлар.
6. Юнусобод туманида — 26-, 64-, 65-, 49-, 56-, 32-дўконлар.
7. Яккасарой туманида — 4-, 27-, 36- ва "Зилола", "Шохида" дўконлари.
8. Сирғали туманида — "Ёркин", "Феруза", "Марғубахон", "Севиль", "Орзу-ният", "Рахбарнисо", "Улуғбек юлдузи", "Ас-сарь", "Г.Самандар", "Мангуберди", "Фароғат", "Шухратшох" дўконлари.
9.Мирзо Улуғбек туманида — 3-, 5-, 6-, 8-, 9-, 10-, 11-, 13-, 15-, 16-, 18-, 21-, 22-, 23-, 27-, 37-, 39-, 50-, 53-, 65-дўконлар.
10.Бектемир туманида — 1-, 3-, 9-, 13-, 16-, 23-, 24-дўконлар.

ҲАМИШАДА БЎЛСИН, "КОКА-КОЛА" БЎШ ШИШАЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТОПШИРИШ СИЗГА ДОИМО ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТАДИ!

Маълумотлар учун телефонлар: 45-13-57, 45-33-47.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-74-76; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0051, 43324 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20.45

1 2 3 4 5 6